

ҲАР ТУП ҒЎЗАДА МАЖБУРИЯТГА ЯРАША ҲОСИЛ ТЎПЛАШГА ЭРИШАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 136 (5229)

12
И Ю Л Ъ
Ж У М А

1974 ИЙЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЧЕКАНКА БОШЛАНДИ

БУКА (Ўз муҳбиримиздан). Район пахтакорлари бу йил 62 минг тоналлик «оқ олтин» хирмони кўтармаз, ҳосилдорлигини 30 центнерга етказмаз деб бел боғлаганлар. Азамат пахтакорлар юбилей йилда фидокорона меҳнат қилиб, рўй берган табиий қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил учун пухта замин яраттир.

Ҳамза номли колхоз райондаги йирик пахтакор хўжаликлардан. Колхознинг Абдулла Каримов, Собит Эргашев, Азимхўжа Сангинов бошлиқ бригадаларида ғўзани танлаб чеканка қилишга киришди. «Кўкорол» совхозини пахтакорлари ҳам бу йил мўл ҳосил етиштириш учун ҳар қачонгидан кўра яхши меҳнат қилмоқдалар. Ҳосил кўчатдан чиқишини ҳисобга олиб, 800 гектар ерга 90х20 схемасида чигит экилди. Совхозда яна бир пахтачилик бўлими ташкил этилди. 70 процент ерга чигит экиш вақтида гербицид сеппагани учун ёвойи ўт деярли бўлмади. Шунинг учун ҳам ғўзаларнинг ривожини яхши. Совхознинг Ермантий Оқмўлдаев, Илдор Исаев, Редивон Алиев, Азатхон Аббосов бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

«ОҚҚУРҒОН» совхозида мўл пахта ҳосили етиштириш учун барча агротехни-

ка тадбирлари пухта ўтказилмоқда. СУРАТЛАРДА: (чапда) қўсак қўртига қар-

ши химикат сеппиш пайти. (Ўнгда) бригада бошлиғи Қ. Ойнабеков, механизатор М. Қовешников ва совхоз катта агрономи Э. АБДУРАХИМОВлар ғўзани кўздан кечирмоқдалар. Х. Аввалов фотоси.



ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ИЙГИЛИШИ

11 июлда Тошкентда область партия ташкилоти активини йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область партия комитетини аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, область партия ташкилоти ревизион комиссиясининг аъзолари, шаҳар ва район комсомол комитетлари секретарлари, шаҳар ва район ҳалқ контроли комитетлари, раислари, маъмурий органларнинг маъсул ходимлари, кўнгилли халқ дружиналари командирлари, ўртоқлик судлари раислари, саноат корхоналари, қурилишлар ва ўқув юртлири раҳбарлари ҳамда партия ташкилотлари секретарлари иштирок этдилар.

Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Оқунский меҳнаткашлар коллективларини ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва социалистик мулкни муҳофаза қилишга сафарбар этиш юзасидан область партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий ишларини янада кучайтириш ҳақида доклад қилди.

Докладни муҳофаза қилишда Тошкент ша-

ҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов, В. И. Леонидов Тошкентда металлургия заводи партия комитетининг секретари А. С. Иброҳимов, Оамалик шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Мухамедов, касба соҳалари область Советининг секретари М. И. Иўдошева, область прокурори К. С. Галашко, Ангрин шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. И. Юрлин, Юқора Чирчиқ районидagi «Полиотдел» колхозини таянч пункти бошлиғи, участка инспектори С. Носиров қатнашдилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини маъмурий органлар бўлими мудири Г. В. Архангельский, республика прокурори Н. Б. Бўрихўжаев, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри ўринбосари Г. П. Ткачев, Ўзбекистон ССР Юстиция министри М. С. Восенкова, республика Олий Судининг раиси Х. К. Мухиддинова иштирок этдилар.

Актив йиғилиши муҳофаза қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

„САЛЮТ-3“НИНГ ПАРВОЗИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ
МАРКАЗИ. 11 июль. (ТАСС). Учувчи бошқарётган «Салют-3» илмий станцияси ичига экиппажининг биринчи яриги низожи-га етмоқда.

Навбатдаги иш кунини вақтида космонавтар Павел Попович билан Юрий Артюхин Ер атмосферидаги спектраль тадқиқ қилишга киришдилар. Ернинг кундузги уфқини, қуёш ботишини ва чиқишини уфидида ботиш чоғида турли бурчаклар ҳосил қилганда оқшом шувласини спектр суратга олиш ўтказилди. Кейинчалик ҳосил қилинган экспериментал маълумотлар асосида атмосфера шувласининг вертикал профили ҳосил қилинади. Булар космик атмосфера оптикисини вазибаларинини ҳал қилиш учун зарурдир. Бу ишлар муҳим илмий ва ҳалқ хўжалик аҳамиятига эга, чуқур асосларнинг газ ва аэрозоль компонентларининг глобал тақсимланшининг тадқиқ қилиш имконияти беради.

Экиппаж техникавий экспериментлар программаси бўйича ҳаёт фаолиятини таъминлашнинг тақозо қилинган комплекс системасининг айрим элементларини синаб кўриб. Жўзладан, атмосфера назми конденсатидан сув регенерацияси блокнинг ишлаши текшириб кўрибди. Турли режимларда станция термик тартибга солиб турини мукамал системасининг ишини текшириб кўриш ҳам бажарибди.

Попович ва Артюхин ўртоқларининг соғлиғи яхши. Парвоз программаси муваффақиятли бажаришмоқда.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ СОМАЛИДА БЎЛИШИ

КИСИМАЙО. 11 июль. (ТАСС). Совет ҳамада Сомали расмий ки-шларини область революцион кенгашининг раиси подполковник Иброҳим Абди Нур, жамоатчилик нақиллари, Кисимайо ўқувчилари, совет мутахассислари ишона қутиб олдилар. Президентияга бориш йўлида Н. В. Подгорний билан Мухаммад Сиад Баррени шаҳарнинг минг-минглаб аҳолиси самимий табриқлади.

Н. В. Подгорний билан Олий Революцион кенгаш президенти Мухаммад Сиад Барре 10 июлда Могадишода Куйи Жуба областидagi маъмурий марказ бўлган Кисимайого келдилар. Бу шаҳар экватордан 60 километрга жанубда Ҳинд океани соҳилида жойлашган.

Кисимайо аэропорти Совет Иттифоқи ва Сомали давлат байроқлари, ширлар билан безатишган эди. Бу ширларга рус ва сомали тилида: «СССР — Сомали халқининг содиқ дўсти», «Яшасин Улуғ Октябрь! Социалистик революцияси!», «Яшасин марксизм-ленинизм!» деган сўзлар ёзилган.

СССР ва Сомали Демократик Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди. Н. В. Подгорний билан Мухаммад Сиад Барре фахрий қорувли сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда ҳўрматли меҳмонларни ва уларга ҳамроҳ бўлган

совет ҳамада Сомали расмий ки-шларини область революцион кенгашининг раиси подполковник Иброҳим Абди Нур, жамоатчилик нақиллари, Кисимайо ўқувчилари, совет мутахассислари ишона қутиб олдилар. Президентияга бориш йўлида Н. В. Подгорний билан Мухаммад Сиад Баррени шаҳарнинг минг-минглаб аҳолиси самимий табриқлади.

Н. В. Подгорний билан Мухаммад Сиад Барре шу кунини гушт комбинатига бордилар. Корхона директори Исмомил Хожи Фарах рус тилида изох бериб турди: «У Москва Давлат университетининг иқтисодий факультетини тамомлаган эди. Исмомил Хожи Фарах бўндай деди: Совет Итти-фоқининг ердими билан қўрилган бу фойдаланишга топширилган бу комбинат Сомали Демократик Республикасидаги энг йирик давлат корхоналаридан бирidir.

Гушт комбинати, деф таъкид-лади директор, илмий кадрлар етиштирувчи чинакам макон бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда деярли барча ишлаб чиқариш заиреялари сомиалини ходимлар бажар-моқда. Бунда совет мутахассис-ларининг хизмати жўда ҳам кат-тадир. Улар ўз билим ва тажри-баларини сомиалини ўртоқларига ўргатмоқдалар, уларга меҳнатта социалистик муносабатда бўлиш-ни ўргатмоқдалар.

Корхонани кўздан кенчиргандан кейин Н. В. Подгорний хўмиди меҳмонлар дафтарида қўйидаги сўзларни ёзиб қолдирди:

МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

Касаба Союзлари республика Советининг 11 июль кунин Тош-кентда бўлиб ўтган пле-нумида йилнинг биринчи яр-мида социалистик мажбури-ятларининг бажарилиш яқунлари ҳамда Ўзбекистон касаба союзла-рининг 1974 йилда социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашдаги вазифа-лари муҳофаза қилинди. Ўзе-бекистон Касаба союзлари республи-ка Советининг раиси М. А. Зондов доклад қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолигига кандидат Г. М. Орлов қатнашди.

Пленум беш йиллик планларни муваффақиятли бажариш учун ку-рашда касаба союз ташкилотлари-нинг ролини кучайтириш бораси-даги тадбирларинг белгилаб бер-ди. (ЎЗАТА).

ҒАЛЛА—ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ҒАЛЛА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
ШУ ЙИЛ 11 ИЮЛГА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — халқ хўжалик
плани (тонна ҳисобида), иккинчи
стун — бир кунда тайёрлангани,
учинчи стун — мавсум бошидан бе-
ри (процент ҳисобида).

Бенобод	400	4,5	236,8
Чиноз	400	—	127,5
Урта Чирчиқ	1500	3,2	109,8
Бўка	300	3,0	87,7
Оҳангарон	3630	4,1	84,5
Пискент	800	8,8	74,4
Бўстонлиқ	3800	2,9	53,7
Юқора Чирчиқ	7170	4,2	34,5
Область бўйича	18000	4,1	69,0

ҒАЛЛА КАРВОНИ

Йирик ғаллакор Урта Чирчиқ райониди баҳори-кор ерлардаги дон ҳосилини йиғиб олиш тез суръатлар билан бормоқда. Район ғаллакорлари шу кунга қадар пландаги 1000 тонна ўрнига 1700 тонна дон йиғиб олдилар. СУРАТЛАРДА: Чиғи-риқ реализация базасига келатган ғалла карво-лари. (Ўнгда) Базада донни қабул қилиб олиш. Г. Пун фотолари.



ТАСС АХБОРОТИ „МЕТЕОР“ УЧИРИЛДИ

1974 йил 9 июлда Совет Ит-тифоқида ериг суғий йўдо-ши «Метеор» учирилди. Йўдо-шининг асосий вазифаси оператив об-ҳаво хизматидан фойдаланиш учун зарур метеорологик информация олиб турилишини таъминлашдан иборатдир.

Йўдош параметрлари қўйи-тагича бўлган орбитага чиқа-рилди: — Ер юзидан максимал олис-лиги (апогейда) — 905 кило-метр; — ер юзидан минимал олис-лиги (перигейда) — 877 ки-лометр; — Орбитасининг оғиши — 81,2 градус; — бошланғич айланиш дав-ри — 102,6 минут.

Йўдош ичига штатдаги ил-мий аппаратлар билан бири-га булутлар ва унинг остидаги юза-ларнинг тасвирларини олиш учун телефотометрик экспери-ментал аппаратлар, ёгин-сочини ва муз қопламни тақсимлашнинг зоналарини тадқиқ этиш учун радиотелелолокацион экспери-ментал аппаратлар, шунингдек атмосфера юқори қатламлари-га корпускуляр оқимлар таъси-рини ўрганиш учун радиомет-рик экспериментал аппаратлар ўрнатилган.

Йўдошга булутлар ва унинг остидаги юзаларнинг тасвирини мустақил қабул пунктларига бевосята юбориб турадиган ва 137,5 мегагерц частотада иш-лайдиган передатчик ўрнати-ган.

«Метеор» йўдошида илмий аппаратлардан ташқари: йў-дошнинг ерга доимо мулкжа ол-дириб турадиган системаси; қуёш батареяларини қўйишга муста-қил равишда мулкжа олдириб турадиган электр таъминот си-стемаси; орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема ва асбоблар, илмий аппарат-ларнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни ерга юборадиган радиотелелометрик система бор.

Йўдошга ўрнатилган аппа-ратлар нормал ишлаб турибди. Илмий маълумотлар ишлаб чи-қиш ва фойдаланиш учун СССР гидрометеорология мар-казига ҳамда мухит ва табиий ресурсларини ўрганиш давлат илмий тадқиқот марказига ке-либ турибди.

КОМСОМОЛГА ЛЕНИН
НОМИ БЕРИЛГАНЛИГИ-
НИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ПАРТИЯНИНГ ЖАНТОВАР ЁРДАМЧИЛАРИ



© ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозини сўт-товар фермасида меҳнат қилаётганларнинг кўчилигини комсомол-ешлар ташкил этади. Улар комсомолга В. И. Ленин номи берилганига 50 йил тўлган кунини муносиб меҳнат соғварлари билан кутиб олмақдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) сўт-товар фермаси комсомол-ешларидан М. Халилова, М. Аширбеова, М. Қурбоналиева, М. Эргашева, У. Абдуғаниева, З. Қурбонаева, Э. Гонинова, З. Жакиева ўртоқлар.

НАВҚИРОН АВЛОД

КОММУНИСТИК партия ёш авлодини тоғий-сиёсий жиҳатдан чиятириш, йигит-қизларини партия ва совет ҳалқининг революцион, жанговар ва шонли меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш тўғрисида таъхирлар қилмаслиги керак. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрқ. Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVII съездида сўзлаган кутисида кўнган вазифалар бунинг ёрқин тўсолоқларидир.

Ленин комсомол партиянинг жанговар ёрдамчиси ва содиқ резервдир. Партия комсомол ташкилотларининг ёшлар ҳаётидаги ролин кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Районини комсомол-ешлар ҳам коммунистик қурилишнинг ҳамма жаҳалларида фидокорона меҳнат қилиб, комсомолга В. И. Ленин номи берилган куннинг 50 йиллиги олдидан бошлаган мусобақага қўшилиб, катта ғалабаларини кўлга киритдилар.

Район бошланғич партия ташкилотлари комсомолга раҳбарлигининг форма ва услубларини муттасил тақомиллаштиришмоқдалар, ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини бутун қоралар билан кучайтиришмоқдалар. Бунда бошланғич комсомол ташкилотларининг йигит-қизларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги ташкилотчилик ролин кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги вақтларда райком бюроси С. Раҳимов номли, Навоий номи, Орижонкидзе номи колхозлар, «Келес», «Хасков» ва «Тошкент» совхозлари партия ташкилотларининг комсомолга раҳбарлик соҳасидаги фаолияти билан таниниб чиқди. Ана шу ҳақда қабул қилинган қарорнинг бажарилиши натижасида Ленин номи, Калинин номи, Куйбисев номи, Илч номи колхозлар партия ташкилотларининг комсомолга раҳбарлик соҳасидаги иши яхшиланди. Бу ташкилотларда комсомол ишларига тааллуқли масалаларни комитет ёки биро мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш, амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

С. Раҳимов номи колхоз партия комитетининг иш тажрибасини қараб чиқади. Парток ёшлар билан ишлашда, комсомолга раҳбарлик амалга оширишда ҳозирги юксак табиалар даражасида иш тутмоқда. Колхоз аъзоларининг деярли учдан бири ёшлардир. Парток ёшларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашга, улар бошлаган ишларини охирига

етказишга алоҳида эътибор беради. Комсомол ташкилоти йигит-қизларидан парток аъзолари муттасил иштирок этадилар, ёшлар олдидан турган вазифаларини белгилаб берадилар. Бу нарсаси ёш кўчларини социал-иқтисодий масалаларни бажариш ишига сафарбар қилишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қўйилгн таълими комбинати бошланғич партия ташкилоти аса комсомол-ешларнинг умумтаълим даражасини оширишда, комсомол бюроси амалга ошираётган ишларда яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ерда ёшларнинг учдан бир қисми ўрта маълумотга эга эмас эди. Партия ташкилоти «Хар бир ёш меҳнатчига — ўрта маълумот» ҳаракатида комсомол бюросининг фаол иштирокчини таъминлаб, йигит-қизларини кечин мактабларга жалб этишга эришмоқда. Ҳозир ўрта ақин комсомол аъзоси ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таълим олаётди.

Ёшларнинг меҳнатга коммунистик муносабат, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оммавий-сиёсий ва сиёсий-тарбиявий ишлар соҳасини юқори кўтариш, лекция провагандаси ишларини кучайтириш, клуб, кутубхоналар ишларини жонлантириш катта аҳамиятга эгадир. Бу вазифалар партия ташкилотларидан ҳар қачонгидан ушшоқликни, аниқ мақсад сари ишчи боришини талаб қилади. Кейинги вақтларда Охунбобоев номи, Калинин номи колхозлар, «Бўзсу», «Дамачи» совхозлари партия ташкилотлари бу борада диққатга сазовор тадбирларини амалга оширишди. Айни пайтда маориф, маданият ходимлари, бошқа жамоат ташкилотларининг ёшлар уртасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишларини кучайтиришга эришилмоқда.

Ёшларнинг меҳнатдаги активлигини ошириш, йигит-қизларда қишлоқ ҳўжалик касбларини эгаллашга бўлган иштиёқини уйғотиш ҳозирги куннинг муҳим масалалари бўлиб қолмоқда. Ўтган йили 56 комсомол-ешлар колхозларида ҳўжалик вазифаларини муволафакатли бажаришди. Масаланинг моҳиятини тушуниди, йигит-қизлар айни чоғда ҳўжаликни юритиш, фан-техника эгаллашнинг фойдаланиш кўникмаларини эгаллашлар, йлгорлар тажрибаларини ўрганишлар, техникани эгаллаш, сабаботчилик, қораларни касбларини ўрганиш, актив ижтимоий фойдали

меҳнат таъбирларини комсомол ташкилотлари ёшлар орасида олиб бораётган тарбиявий ишнинг мазмунини ташкил этади.

Бу борада 40-мактаб педагогика коллективини, партия ташкилоти раҳбарлигида ибратини таъриба ортирган, 30-йилларда «Ёшлар билим учун иштиайлик» ширини остида ташаббус оидан чиққан Мавлобек Тўрабеков бугун моҳир тарбиячи, ташаббускор мураббийдир. Уша йиллари ўнлаб, юзлаб ёшлар унинг нидан бориб, саводхон бўлиш учун, чўқур билим олиш учун курашганлар.

Орадан 30-йил ўтди. Ҳозирги даврнинг моҳияти, натижалари ўзгача маъно касб этди. Шу жиҳатдан 40-мактаб ўқувчиси М. Файзиев бошлаган «Ёшлар, техникани эгаллаш!» ташаббуси диққатга сазовор. Ёш комсомол аъзоси ўрта мактабни тугатган, қоҳзада қолди. Замонавий техникани эгаллади. Унинг меҳнатдаги ташаббускорлиги, ишқили «Хўрват белгиси» ордени ва медаллар билан тақдирланди. ВЛКСМ XVII съездининг делегати, К. Маркс номи колхоз сўт соғувини Фарида Аъзамова қорча маҳсулдорлигини ошириш учун курашда ташаббускорлиги кўрсатмоқда.

Партия ташкилотлари ёшларнинг меҳнатини ташкил этиш, меҳнат уқумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда бошланғич комсомол ташкилотларининг активлигини кучайтираётдилар. Қишлоқ ёшлар уртасида техника касбларини эгаллаш, новаторлар тажрибасини кенг ёйиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётди. «Бўзсу» совхоз партия комитети йигит-қизларнинг қишлоқ ҳўжалик техникасини ўрганиш бўйича оймавий ҳаракатини аниқ олдириди. Комсомол ташкилоти бу муҳим ишнинг бевосита амалга ошириш ташкилотчили ва ташаббускорлиги.

Ўтган йили районинида 56 комсомол-ешлар бригада ва звенолари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришди. Комсомол-ешлар деҳқончиликка фан-техника ютуқларини жорий этиш, ҳисдорлигини ошириш учун курашди, қувноқли натижаларини кўлга киритдилар. Район комсомол комитети тўққизинчи беш йиллигининг белгилешини йилида бу ютуқларини аниқ ҳам муштақамлаш учун ташкилий ишларини амалга оширди. Чўночи, ҳўжаликларда комсомол-ешлар коллективлари олтинчи турғатага етказилди. Ёш маккажўхориқорлар мўла «қажраб» дон етиштириш учун шу кунларда аўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқдалар.

Қишлоқ йигит-қизлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 50 йиллигини зиммага олган юксак мажбуриятларини бажариш билан кўтиб олиш учун социалистик мусобақанинг олдинги сарфида бораётдилар. Партия ташкилотлари комсомолга раҳбарлигини муттасил тақомиллаштириб бориб, ёшларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини тобора оширишга эришмоқда.

Ҳ. ИСЛОМОВ,
Калинин район партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

ФАХР ЛАНАМАН

БУ йил ҳайтида унутилмас воқеалар рўй берди. Улардан бири мен учун, айниқса, азиз. Хануз ўша кунлар — Ленин комсомолнинг XVII съездида иштирок этган кунларим ҳаяжоним таъсириданам. Съезд кунлари тенгдошларимга, Москвада ортирган дўстларимга университетимиз ёшларнинг ҳаёти, ўқиши ҳақида гапириб бердим. Турли республикалардан келган йигит-қизлар сўзларини берилиб, ҳайратланиб тинглашди.

Ҳайратланишга асос бор эди! Революция арасидада журналилардан бири Урта Осмеда аҳолини ўқиш, ёзишга ўргатиш учун... 4700 йил керак бўлади, деб «башорат» қилган эди. Улар доҳийлиги Илчи даҳоси билан ҳалқимизни «башоратчи» чиппаки чиқарди. Ҳалқимиз тўла саводхон бўлди, юртимиз маданияти гуллаб яшнади.

У. АҲМЕДОВА,
В. И. Ленин номи Меҳнат Қизил Байкор ордени Тошкент Давлат университетининг студенти, ВЛКСМ XVII съезди делегати.

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

УЛУГ байрам кунлари бошиб ўтиган йўлларга назар ташлаб, доволар қувончини, завоқини яна бир бор ҳис қиласан, киши. Чўночи, сен ўша суронли йиллар чавақдоларини, беш йилликлар стахановчиларини ёрисишсан. Қабланда Навоий ва Маърофов шикоятини ўқиб турганини ҳис қилингми, сен бахтсан. Шу жушқин ҳиссиёт, олов қалб сени 70-йилларнинг бунёдкорлик доволарига еталайди.

Кўн-кеча мартенчи ёшлар йиғилишида* шу мазмундаги фикрлар билдирилди. Пўлат қувончи комсомол-ешлар бригадалари комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг шонли 50 йиллиги юбилейи шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажариб, планга қўшимча 1500 тоннадан ортиқ пўлат қуюлма-си берганликлари ҳақида партияга, ҳалққа рапорт бергани тўпланган эдилар.

Цех партия ташкилотининг секретари Сергей Григорьевич Тенрев комсомол-ешлар рапортини қабул қилиб, ёш пўлат қуювчилар, уларнинг шонли меҳнатлари ҳақида гапириб берди.

Корхонамида бундай коллективлар аз эмас. Ёш коммунист Ш. Нуриддинов бошлиқ «300» прокат станциянинг 3-комсомол ёшлар бригадаси ҳозир белгилловчи йилнинг сўнгги квартални ҳисобига ишламоқда. Бригада комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 50 йиллиги шарафига олган мажбуриятини шараф билан бажарди. Йилнинг биринчи ярмида 600 тоннадан зиёд прокат берилди.

Ҳа, комсомолнинг шонли меҳнат анъаналари давом этамоқда. Унга содиқ ёшлик оғларнинг меҳнат жасорати солномасининг муттасил бойинмоқда.

Э. РҲЗНЕВ,
В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводи комсомол комитетининг секретари, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг аъзоси.

ЁШЛИК ШАВКАТИ

ШОНЛИ комсомол улўғ В. И. Ленин номи билан порлоқ келажак сари қадам ташлаган кўнга бугун 50 йил тўлди. Бу — ленинча ёшлиқнинг, ярим аср давомида шонли ишлар эштакисини қажрамоғна давом эттириб, авлоддан-авлодга етказилган кеска гвардиянинг шонли байрамидир.

Бошланғич комсомол ташкилотчилиги — Ленин комсомолчилиги — бу ленинча ёшликнинг шонли юбилей арасида йигит-қизлар уртасида 50 йиллигини муносиб кўниб олиш учун мусобақани аниқ олдириди. Бригадлар, бўлимлар ва фермаларда, механизатор ва транспортчилар уртасида қизгин меҳнат бешлашув давом этди. Комсомол йиғилишлари, комитет мажлисларида мусобақани жонлантириш, йлгорларни рағбатлантириш тадбирларини кўрдик.

Ҳ. ИСЛОМОВ,
Калинин район партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

Бугун комсомолга В. И. Ленин номи берилган куннинг шонли 50 йиллик юбилейини зарбдор меҳнат билан кутиб олган, қўндалик ҳаёти билан ленинча яшаш, ўқиш ва курашнинг намунасини кўрсатаётган ёшлар номини фахр билан тилга оламиз. Т. Серикбеова, Н. Березина, Р. Солиқова сингари комсомол қорвалдорларимиз беш йиллигининг учинчи, ҳал қилувчи йили мусобақасининг толиб бўлишлар. Улар кўнсини «1973 йил мусобақа толиби» нишонини беэаб турибди.

Ана шу меҳнатсевар дўғоналар ташаббускорлиги, ғайрати, ибратли намунаси Ўтган йили пландагидан 24 тонна кўп — 504 тонна сўт соғиб топиришимизда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ферма комсомол-ешлари йил бошида «Белгилловчи йилнинг ҳар бир кунини зарбдор меҳ-

нат ва аъло ўқиш билан нишонлайми!» деб азмуқарор қилишганди. Шуни қўнончи билан айтиш мумкинки, ёш сўт соғувчиларимиз меҳнат қўрсаткичларини муттасил ошириб, эл дастурхонига серқаймоқ сўт етказиб бермоқда.

Йилнинг план ортигидан билан бажарилиб, шонли юбилейни йрўғ оз билан кутиб олмақда.

Ҳа, ленинча ёшлиқнинг сўзи билан ишн бири. Улар доҳий ва сийатларига, партия ишига, ҳалқимизнинг шонли анъаналарига садоқат — ёшлиқнинг фазилатидир.

Т. МУСАЕВ,
«Қорасув» совхозини қорвалчи ким комсомол-ешлар фермасининг мудири, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Меҳнат шавкати» нишонини кавалери.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон ВЛКСМ Марказий Комитети ҳузурида ташкил қилинган республика комсомол тарихи жамоатчилиги институтини, ёшларнинг коммунистик руҳда тарбиялашда катта иш қилмоқда.

Ана шу институт советининг комсомолга Владимир Ильич Ленин номи берилганлигининг 50 йиллиги бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга республиканинг энг кеска комсомоллари ҳуриятла меҳмон сифатида тақлиф қилинди. Улар ўз хотираларини гапириб бердилар.

Ҳозир Ўзбекистон комсомол тарихига оид очеркларини тайёрлаш асосан тугалланганлиги мажлисда маълум қилинди. Бу — республика комсомол ташкилоти фаолиятининг ҳамма босқичларини ёритувчи улкан илмий асардир. Бу асарини яратишда олимлар билан биргаликда комсомол ҳаракатининг кўпгина ветеранлари ҳам иштирок этадилар.

(ЎзТАГ).

...ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ

бошқаларга намуна бўлади. Шу тўғайли ҳам бригада аъзолари ундан ўрнак оладилар.

Алиҳўжа жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У сиёсий ташкилотчи, агитатор, сифатида колхоз комсомол ташкилоти, партия ташкилоти томонидан олиб бориладиган оммавий-сиёсий, таъкилий, тарбиявий ишларда актив қатнашиб келаётди. Шу тўғайли ҳам ВЛКСМ XVII съездида делегат сайлаш масаласи муҳокама қилинганда кўпчилик комсомоллар бир овоздан Алиҳўжа Бобохоновнинг номзодини кўрсатдилар.

Бу юксак ишонч ҳалол меҳнат эвазига қилинган ҳада эди. Алиҳўжа Москвадан, ВЛКСМнинг XVII съезидан олам-олам таассуротлар билан қайтиб келди. Ўз дўстларига, комсомол ёшларга ана шу таассу-

ротларини ҳаяжон билан гапириб берди.

— Биз, — деди у, — КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрқ. Л. И. Брежневнинг съездида сўзлаган ёрқин ва оташин нўтибин аўр эътибор билан тингладик. Бу нўтқ ҳар биримизнинг она-Ватанга, шонли Коммунистик партияга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада кўш урдириб юборди. Съездда биз комсомол-ешлар олдида йнгандинги вазифалар қўйилди. Сўторилинган деҳқончилик широнтида деҳқончилик ҳосилдорлигини оширишнинг резервларини кўрсатиб берилган. Бу резервлар энг аввало ердан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга илмий-техника прогрессини моҳирона жорий этишимизга боғлиқ. Йлгорлар тажрибасини тинмай ўрганишимиз лозим.

Комсомол ёшлар ўз дарғаларининг бу сўзларидан руҳланиб кетдилар. Улар беш йиллигининг белгилешини йилида ҳар гектаридан 100 центнердан маккажўхори донини етиштиришга аҳд қилишди.

Ана шу аҳднинг уддасидан чиқиб учун орта баҳордан иш қизитиб юборилди. Ёнг аввало маккажўхори энг ишчи ақра-тилган ерлар нўзда чўқур шўд-гор қилинди. Шўдгорлаш пайтида маҳаллий ўғитга тўйдирилди. Баҳор нелини билан ерлар бороваланиб, маккажўхори уруғи ўз вақтида энгб олинди, гектарларда қўнчаларнинг тўлиқ бўлиши учун қўлтўнатила, сўторини, озиқлантириш ишлари ўз маромида ўтказила бошланди. Ҳозирги кунда бу бригада даладариди бўлган киши кўна бўй чўзиб сўталай бошлаган маккажўхори пай-

каларини кўриб қўвонади. Комсомол ёшларнинг меҳнати-га, уларнинг ғайрат-шиқоятига тасаннолар айтади.

— Ҳозирча, — дейди Алиҳўжа Бобохонов, — маккажўхорини уч марта минерал ўғитлар билан озиқлантирдик. Айниқса бу йилги широнтида сувни тежаб-тергаб сарфлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу ишчи ҳар биримиз назорат қил-гил борамиз. Ҳозирча маккажўхори уч марта қондириб сўғорилди.

Бригада аъзолари маккажўхори ўрним-йиғинига ҳам пўхта ҳозирлик кўрмоқдалар. Комбайнлар ремонтни алақачон тугалланган. 25 августда маккажўхори ўриб-йиғиб бўлиндик.

Биз бригада даласида бўлганимизда Алиҳўжа Бобохоновнинг сувчилар билан сўхбатлаш-ётган пайтда учратиб қолдик.

Улар ўз бригадаларига кеча қанча гектар ерга сўв қўйилганлиги, бугун эса қайси пайкал сувдан чиқарилганлиги ҳақида ахборот бераётган эдилар.

Алиҳўжа Бобохонов билан сўхбатлашиб, «Бу йил ҳам машинада пахта терасимиз», деб савол бердим.

— Бўлмасамчи, — деди Алиҳўжа, — бу йил «загори нема»да 150 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилиб қўйганман. Бизга бириктирилган 35 гектар маккажўхори энг майдолининг ҳар гектаридан 100 центнердан дон ҳосили топира олсак, машинада пахта териш мажбуриятини бажаролсам, бу менинг ва бригаданимиз аъзолари Ленин Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллиги юбилейига совғамиз бўлади.

Ўғторак комсомол йигитлар албатта ўз сўзларининг ўлдасидан чиқади.

Н. РИХСНЕВ,
Янгийўл районидagi Фрунзе номи колхоз.



Яқинда ПОИТАХТ ОБЛАСТИДА АНТ-АНАВИН «ЛЕКТОР КУНИ» ЎТҚАЗИЛДИ. Шу муносабат билан пойтахтлик олимлар, сиёсий докладчи ва лекторлар Тошкент об-ласт партия комитетининг мажлислар залига тўпландилар.

Тошкентлик олимлар билан областнинг меҳнаткашларининг учрашувлари одат тусига кириб қолди, — деди лекторлар олдига сузлаган област партия комитетининг секретари ўртоқ А. М. Хужаев. — Партиянинг оташин сўзини кенг ҳалқ оmmasига етказишда сиёсий ерданинг таълимига таънамин. Бу ердан айниқса, ҳозир, беш йилликнинг белгиловчи йили биринчи яри яқинлашиб, юксак мажбуриятларни бажаришда ҳал қилувчи босқичга кирилган пайтда айниқса муҳимдир.

ШУ КУНИ БЕШ ЮЗГА Яқин ЛЕКТОР ҲАМ ТЎҚҚИЗ ГРУППАГА БЎЛИНИБ, ОБЛАСТНИНГ ҲАММА ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРИГА ЧИҚИБ КЕТДИ. Улар ишчи кол-лективларида, дала шийпонларида, фермаларда бўлиб, меҳнаткашлар билан қизғин суҳбат давлари қурдилар.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ—

ЖАНГОВАР, ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

ЎРТА Осиё қишлоқ хўжалиги эканомикасини янги-тегиришни институтининг илмий ходимлари ва Тошкент автомобиль йўл институтининг ўқитувчиларидан иборат гуруҳа Бўстонлик районига келди. Районда бўлган суҳбат чоғида район партия комитетининг биринчи секретари В. А. Емцов тошкентлик меҳнаткашларга бўстонлик-ликларнинг меҳнат муваффақиятлари ҳақида гапириб берди. Бўстонлик — кўп тармоқли район, у сабзавотчилик, богдорчилик ва чор-вачиликнинг истиқболли зонаси бўлиб қол-моқда. Айни чоғда Бўстонлик областининг кўркам дам олинган масанни. Бу ерда ҳозир 53 пионер лагер, 4 та санаторий, бир неча дам олин-уш ишлаб турпти. Чорвоқ денгизи ат-рофлари шаҳарликларнинг қўнғили ҳордиқ чинарши оромгоҳига айланмоқда.

Ўртоқ В. А. Емцов районнинг порлоқ истиқ-бол ҳақида, унинг хўжаликлариде юбилейди-ди социалистик мусобақасининг қандай бора-ётганини ҳақида сўзлаб берди.

14-«ХўжаКЕНТ» совхозининг районнинг кўп тармоқли етакчи хўжаликларидан бири. Ҳозир совхознинг ҳамма ерида — тоқорлар, мезаворлар, галлар ва пичанзорларда қиз-гин меҳнат палласи.

Совхоз ишчилари шаҳарликлар дастурхони-га кўпроқ ноз-неъматлар етказиб бериш ишти-ғида меҳнат қилишпти. Тун вақтида ишчи-лар 4-бригада дала шийпонига тўпландилар. Улар лектор Маъмура Султонованинг «Тош-кент об-ласт Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигига» мавзусидаги лекциясини тингладилар. Лек-тор Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши натижасида чор Россиянинг қолоқ ва чекка ўлкаларини мамлакатимизнинг энг илгор, ривожланган районларидан бирига айланганлигини Тош-кент об-ласт мисолида яққол кўрсатиб берди.

Лектор совхоз ишчиларининг эътиборини қишлоқ меҳнаткашлари олдига юбилей йи-лида турган улкан вазифаларга қаратди. Бу вазифаларни бажариш ушшоқлик кўрсатиб, жонбозлик билан меҳнат қилишни тақозо эта-ди.

Совхоз ишчилари чанки ишламаяптилар. Ярим йиллик сут тайёрлаш пилани ҳўжалик-да ортинг билан адо этилди. 5750 центнер ўрнига 6488 центнер сут топирилди. 170 тонна ўрнига 193,4 тонна гўшт етказиб бе-рилди. Совхоз партия ташкилотининг секре-тари Жаҳонгир Жамоловнинг илгор ишчилар қатори Аноржон Умарова, Мунаввар Назир-боева қабиларининг номини алоҳида тилга ол-ди. Улар шу кунларда тоқорда фидокорона меҳнат қилиб, қўнғиликка намуна бўлмоқда-лар. Соҳибдорлар ҳар бир гектар тоқордан ўн беш тоннага етказиб узум беришмоқчи.

Шу кунини санаб тайёрлаш топирилиш ортинг билан адо этилган учун 4-бригадада биринчи мукофот топирилган экан. Бригада пиланин бир ярим ҳисса қилиб адо этиб, 500 тонна ўр-нига 760 тонна санаб бостирибди.

14-«ХўЖАКЕНТ» совхозини ишчилари 4-бригада дала шийпонига тўпланди-лар. Лектор М. Султонова уларга Тошкент областининг республикамиз 50 йил-лик юбилейга тайёргарлиги ҳақида лекция ўқиди. А. Абляев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ АМАЛДА

Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларини тинмай такомил-лаштиришлари, унинг самарадорлигини оширишлари лозим. Суҳбат-лар, сиёсий ахборотлар ҳамма жойда—заводларда, фабрикалар-да, қурилишларда, транспорт, алоқа ва маиший хизмат корхона-ларида, колхозлар, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида, меҳнаткашларнинг истиқомат жойида мунтазам суратда олиб бори-лиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV пленуми қароридан.

«ЛЕКТОР КУНИ» муноса-бати билан Бўстонлик район партия комитетида суҳбат. Райкомнинг биринчи секретари ўртоқ В. Емцов бўстонлик-ликларнинг юбилейолди меҳ-нат зафарлари ҳамда район-нинг истиқболли ҳақида сўзлаб берди.

ИСТИҚБОЛГА ЧОРЛАБ

Шу кунини Ўзбеки-стон Коммунистик пар-тияси Марказий Ко-митети ҳузуридаги партия тарихи инсти-тутини ва республика Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ститутининг бир гуру-ҳи на ходимлари об-ластнинг Қўйи Чирчиқ районига жўнаб кетди-лар. Булар орасида та-ниқли фалсафачилар, юрист олимлар, тарих-чилар бор эди.

Академиянинг фал-сафа ва ҳуқуқ инсти-тутини директори фал-сафа фанлари доктори М. Б. Баратов, инсти-тутининг катта илмий ходими, фалсафа фан-лари кандидати Ф. Т. Тешабоев, районнинг машҳур «Огонёк» боғ-дорчилик совхозида бўлдилар. Улар сов-хознинг 200 кишили

дангиллама клубида областининг 50 йил-да босиб ўтган шонли йўли тўғрисида сў-злаб, халқимизнинг хў-жалик, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва фан соҳасида эришган ютуқларини тилга ол-дилар.

Институтнинг катта илмий ходимлари юри-дик фанлари канди-датлари Т. А. Аюпов ва К. М. Назаров рай-ондаги «Ленинград» номли, фалсафа фан-лари кандидати Н. Х. Саидов, Димит-рий ҳақида гапириб берди. Мезбон таниш-ли олимларга рай-онда бўлиб, мамули суҳбат ва лекциялар уюштирилди. Ҳ а р и учун меҳнаткашлар номидан самий мин-натдорчилик изҳор қилди.

Ў. МУХИТДИНОВ.

Ишчилар ҳузурида

Бекобод шахри меҳнаткашлари «Лектор кунини» қатнашчиларини азия меҳмонларидек кутиб олди. Тошкентлик лекторлар шаҳарга келганлари ҳамон гуруҳларга бў-линиб, корхоналар ва ташкилот-ларга — ишчилар ҳузурига йўл олдилар.

Тошкент тил ва адабиёт педаго-гика институтини ўқитувчиси фило-логия фанлари кандидати Э. Аз-ларов билан И. Ҳакиев металлур-гия заводи ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари учун «Тошкент об-ласт Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси-нинг 50 йиллигига» мавзусида лек-ция ўқидилар. Юзга яқин тинг-ловчи бу лекцияни мароқ билан эшитди. Шу кунини цемент комби-нати, таксомотор парк, нон за-води коллективлари ҳам лекторлар-дан В. Долотин, В. Кириллов, Р. Галмакберова ўртоқларининг ма-мули суҳбатларидан баҳраманд бўлишди.

Тошкент фармацевтика инсти-тутининг ўқитувчилари М. Ража-бов, Ҳ. Шокиров, Н. Қазақов, Ш. Рахмонова ўртоқлар шаҳар касал-хонаси, цемент комбинати, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида бўлиб, лекциялар ўқиш билан бирга ме-дик ходимларга амалий ёрдам кўрсатишга ҳам ҳаракат қилди-лар.

Бекободлик бинокорлар ҳузури-га борган В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг ил-мий ходимлари К. Иноятов, С. Комилов ўртоқлар олтин юбилей-га ўлкада кўриладиган қизғин тайёргарлик ҳақида, Совет дав-латининг ички ва ташқи сиёсати-даги муваффақиятлари ҳусусида тўхтадилар.

Лекторлар борган жойлардаги коллективларнинг раҳбарлари меҳмонларга мазмунли суҳбатлар-ни учун ташаккур билдирдилар.

Бекобод шаҳрининг 500 га яқин аҳолиси шу кунини сиёсий-оммавий тадбир иштирокчиси бўлди.

ДУНЁ ОВОЗИ

Улан-Баторда тантанали йиғилиш

УЛАН-БАТОР. 10 июль. (ТАСС) Бугун бу ерда Монго-лия Халқ революциясининг 53 йиллигига бағишланган танта-нали йиғилиш бўлди.

Президиумда МХРП Мар-казий Комитетининг биринчи сек-ретари, МХР буюк халқ ху-рали Президиумининг раиси Ю. Цеденбал ва МХР Минис-трлар Советининг раиси Ж. Батмунх бошчилигида МХР пар-тия ва ҳукумат раҳбарлари, Монголия пойтахтининг меҳ-монлари бор эди.

МХРП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси Н. Лувсанравдан ўз доклады-ни Монголия Халқ революцион партияси раҳбарлигида амалга оширилган 1921 йили халқ революциясининг жузда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

Докладчи халқаро ҳаётда руи бераётган ижобий силжис-ларни қайд қилиб, бу тарихий жараёнда партия XXIV съезди ўртага қўйган Тинчлик про-граммасини муваффақиятли амалга ошираётган Совет Ит-

тифонининг, КПССнинг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Бреж-нев бошчилигидаги унинг ле-нинчи Марказий Комитети-нинг куч-гайрати ва конструк-тив қадамлари асосий роль ўйнаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги учин-чи Совет-Америка учрашуви ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожланти-ришда янги амалий қадамга бўлиб қолмай, шу билан бирга янги тинчлик ва ҳавфсизлик манфаатларини қўлаб қалқиро проблемаларини ҳал қилишга ҳам ёрдам беради.

Н. Лувсанравдан ўз доклады-нинг охирида Монголия меҳ-наткашларининг меҳнат актив-лиги ҳақида гапириб берди. Улар республика ҳаётида янгилашиб қолган тарихий во-қеа — МХРП III съездининг, ва Монголия Халқ Республи-касини эълон қилишнинг юбилей-лиги асосий юбилейини муно-сиб кутиб олишга ҳаракат қил-моқдалар.

ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ЛИССАВОН. 10 июль. (ТАСС). Португалия республи-касининг бош министри А. Да Палма Карлуш (партияси) исте-ффо берганлиги бу ерда рас-мий эълон қилинди.

Бош министр ўринбосари Франсиску са Карьеру (халқ демократик партияси), иқтисод-ий координациялаш министри В. Ди Алмейда (партияси), миллий муҳофаа министри Фирмину Мигел ва ички ишлар министри Магальянш Мота (халқ-демократик партияси) бош министр билан бирга исте-ффо беришди.

Бу ерда эълон қилинган ах-

боротда қуйидагилар хабар қи-линди: бош министрининг ўз-ваколатларини кенгайтириш тў-ғрисидаги илтимосини тула қон-диришга давлат кенгаши рози бўлмаганлиги ана шу шахслар-нинг истеффо беришга расмий сабаб бўлди.

А. Да Палма Карлуш матбу-от вакилларига истеффо бериш-га қарор қилганида «шахсий қўнғилиш сабабларга» амал қил-ганини айтиди. У бундай де-ди: кабинетда ҳеч қандай ке-лишмовчиликлар бўлган йўқ ва биз бундан яхши ишла-дик. Мен демократик жараён-нинг давоилигига ишонаман.

ҚИШЛОҚЛАР ТЎПГА ТУТИЛДИ

БАЙРҮТ. 10 июль. (ТАСС). Исроилнинг оғир артиллерияси сешанба кунини ўтказиб Ливан-нинг Рамия, Марнаун ва Ай-та-Ашшаб қишлоқларини тўп-га тутди. Тўпга тутиш натижа-сида қишлоқ хўжалик экинзор-ларига анча зарар етказилди.

Исроил ҳарбий самолётлари неча Ливаннинг оқсоз чегара-сига бостириб кириб, Байрут, Тир, Сайда ва шу яқин атроф-даги қишлоқлар устидан айла-ниб ўчди.

ШАРТНОМА УЗИЛ-КЕСИЛ РАТИФИКАЦИЯ ЭТИЛДИ

БОНН. 10 июль. (ТАСС). Бугун ГФР бундес-таги маҳсуе мамлакатдаги ГФР билан ЧССР ўртасидаги шартномани ратификация этиш тўғрисидаги қонуний мутлак кўпчилиги овоз билан узил-кесил маъқуллади. Шундай қи-либ, бундестаг шу қолунига кириш бундесрат (улканлар па-латаси) томонидан билдирилган эътирозни рад этди. Бундес-ратда оппозициядаги христиан демократлар соҳиб—христиан социал союз партияларининг блок кўпчилигини ташкил эта-ди.

Шартномани ратификация этиш тўғрисидаги қонуний узил-кесил маъқуллаш узун олдес-тавини ҳуқуқрон Германия со-циал демократик партияси ва эркин демократик партиясида 269 депутат овоз берди. ХДС ХССга маъқу 107 депутат қарши овоз берди. Шундай қилиб, оппозиция ГФР билан Европадаги социалистик дав-латларини муносабатларини нормаллаштириш проблемасига норелистик ёндашганлигини яна бир бор намоиш қил-ди.



Пабло Неруда 70 ёшда

ОТАШИН ШОИР

12 июлда Пабло Неруда 70 ёшга тўлган бўлди. Бу санага ун ой қолганда у вафот этди, ҳарбий хўна чили ҳалқи давлатини ағдарди, ун ойи дахшат аз кон тўкиш рўй бермоқда. Шоир оғир касал эди, бироқ, врачлар унинг ҳаётини узайтиришга ваъда беришганди. 1973 йил сентябрдаги фожияна тўғрисида Неруда вафотини тездаштиради.

Фашизм билан илк бора фожияна тўқнашув юз берганда, Чилининг Испания республикасидаги консули Неруда Рикардо Рейес Басуальтога дипломатларга хос босилишни тўтатиб туриш кўйини бўлди. У кўп мамлакатларни кезиб чикди, капиталистик дунёда у ватанидаги сингарни оддий меҳнатқилларнинг оч-лангоч, қашшоқ, еҳволда эканлигини кўрди.

XX асрнинг ўттизинчи йилларида олдиндан сезилган тарихий тасдиқланди: Европа бўйлаб жигарранг ўлат ўрмалади, Испаниядаги граждандар уруши инсониятнинг жиддий оғохланганди. Дипломат Неруда Рейес кўпгина замонадошлари каби жаҳон маданиятини ҳокимлар тақовуздан сақлаб қолиш учун курашда ўз шахсий бурчини ҳис этди. Чили консули ўша кўнларда «Испания менинг қалбимда» шеърини китобини чиқарди. Буюк замонавий шоир ижоди шундай бошланди ва у Пабло Неруда номи билан машҳур бўлди.

Неруда китоблари жаҳон халқининг ўйлаб тилларига тарихийма эдилар. Унинг шеърлари миллий эҳсонда турниб, Чили ерининг ўзига хослиги ва чиройи билан йўрилган. Ҳар бир шоир орзу этгани каби унинг шеърини халқ фольклорига айланиб кетган. Латин Америкасида ёшлар севгисини Неруда шеърлари мисралари

орқали нэхор этади, тушунтиради: Неруда ижоди аллақачон миллий қобилини ериб, бутун инсоният қалбига йўл олган.

Пабло Неруда — дипломат фаолияти (Халқ бирлиги давлати пайтида у Чилининг Франциядаги элчиси эди) самарали ижодий иши ва тинчлик учун актив кураши билан ҳамбарчас боғлиқ кетган. Адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти лауреати, «Халқаро тинчликни мустаҳкамлаш учун» Ленин мукофоти лауреати Пабло Неруда адабиётдаги ва Чилининг Халқаро миссиясидаги сийсий вакиллик бурчини ҳамма вақт юқори даражада тушунди. У жаҳон гражданди эди, унинг юраги ҳам ер юзиди рўй бераётган барча азоблар, барча ноҳақликлардан азоб чекди.

Фашизмга қарши, инсонпарварлик учун кураш гоълари унинг ижоди ва ҳаёт мазмунини ташкил этади. Сталинград учун қонли жанг бораётган кезларда узоқ Мексикадан (Неруда у пайт ўша ерда яшарди) тараққиётпарвар Латин Америкаси кишиларининг фашизмга қарши оғир жанг олиб бораётган совет халқи билан бирдам эканлиги ҳақида ҳикоя қилувчи ажасиб асари — «Сталинградга муҳаббат қўшишга» бизгача етиб келди. XX аср шоири — солмончаси Пабло Неруда ҳеч қачон четдан кузатувчи бўлмаган. Ватанида у Чили ёзувчилар жамиятини бошқарди. 1945 йили халқ уни Сенатга сайлади. 1949 йили Пабло Неруда тинчлик тарафдорларининг Париж конгрессида иштирок этди.

Бизнинг мамлакатимизда Пабло Неруда китоблари СССР халқларининг 12 тилида, умумий тиражи 364 минг нусхада нашр этилди. Шоир СССРда бир неча марта бўлган, кўпгина оташин дўст-

лар ерттирган. У ўлимидан бир оз бурун ўзи севган, мафтун бўлган шахрга атаб — «Москвага элганини» ёзди.

Сентябрда Чилидаги фожияна ҳарбий тўғрисида Неруданинг қотили бўлди, бу ҳақда унинг бе-васи Матильда Урритиа гувоҳлик беради. Унга қаровчи врач шоирнинг рафиқасига Сальвадор Альенде вафоти хабар қилинган барча газеталарни яшириб қўйишни, оғир касал ётган Нерудага яқин дўсти, Чилининг қонуний президенти ўлимининг билдирмаслигини масъулад беради. Лекин ҳақиқатни яшириш мумкин эмас эди. Пабло Неруда радиоприёмника ёпишиб олиб, Аргентина, Москва радиосининг фашистик хунтининг Чилидаги ҳолини ҳақидаги хабарларини тингларди. Хўна солдатлари кураш олган шифохонага шоир рафиқаси ва яқинларининг кириши манъ қилинади. Унинг Сантьягодаги ўйи, но-ёб кутубхонаси талон-тарож этилади.

Яқинда маълум бўлдики, ҳар-бий хўна буйруги билан улуг шоир жасади устда таҳқирлаш ўтказилган: мурда мазор даҳмасидан сугириб олинган ва номас-лури томонга олиб кетилган. Тўғрисидадан кейин унинг китоблари-ни Чили шаҳарларида ёққан фашистлар учун Пабло Неруданинг жасади ҳам қўриқинчидир.

Аммо, шоир вафотидан кейин ҳам шеърлари жанга киришди. Унинг шеърлари вақтинча Чили давлати тепасига қўйилган бўв-куларига қарши курашга чорла-моқда. Тараққиётпарвар инсоният қиллиги атакларлар билан бирдамлик белгиси сифатида буюк Чили фарзандининг 70 йил-лигини байрам қилмоқда.

Мария ЛЬЯНОС, АПН муҳбири.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЙИРИК КОРХОНА

Урта Осиёда энг йирик пиво-алькоголиз ичимликлар тайёрлаш комбинати дастлабки маҳсулотни берди. Бу корхона ҳар йили 65 миллион литр пиво ишлаб чиқаради. Янги корхона ҳозирда республикада пиво ишлаб чиқариш заводаларининг уч-дан икки қисмини ёки бўлмаса Тошкентдаги барча пиво заводалари ишлаб чиқариётган пиво маҳсулотларидан 12 миллион литр кўп пиво етказиб беради.

Корхонада муздек қваснинг бир неча хил турлари ва лимонад, минерал сувар ҳам ишлаб чиқарилади. Бундай маҳсулотлардан йил давомида 45 миллион литри чиқарилади.

12 гектар ерин эгаллаган корхона замонавий ускуналар билан қуроллантирилган. Ҳам-ма жараёнлар тўла механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган.

ҲАР ХОНАДОНДА КҮЙ ЯНГРАЙДИ

Областимизнинг узоқ қишлоқлари ҳам йил сайин радиолаш-лаш, обод тусга кирмоқда. Ҳозир хонадонларини радио, телеви-зор ва электрис тасаввур қилиш қийин. Юқори Чирчиқ райони-нинг Янгибозор ва Паркент қишлоқларида янги тила-даги автоматик қўчайтирич радио апаратуралари ўрна-тилди.

Тошкент алоқа техникаси эксп-луатацияси бошқармаси ўрна-тилган янги автоматик қўчайтирич апаратуралари-нинг ҳар бири 4 мингта радио нуқтага эшиттириш олиб бе-ради. Улар набатчи-сиз ишла-йди. Эшиттиришлар жуда тиниқ бўлмоқда. Ҳозир Юқори Чир-чиқ районида радио эшиттириш нуқталари тўхтовсиз қўйиб бормоқда.

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номи колхоз боғларида мўл мева етиштирилди. Ҳозир соҳибкорлар ол-ма теришини қизгин олиб бормоқдалар. Ҳар қуни шаҳарга бир неча тонна олма жуна-тилмоқда. Суратда: (ўнгда) илғор колхозчилардан Биби Парниева, Ҳолида Эгамова ва Уктам Ортиқбоевлар. Улар-нинг ҳар бири кунига 150—170 килограммдан олма тер-моқдалар.

Х. Аввалов фотоси.

НАМУНА ОЛСА АРСИЙДИ

Мана, мактабларда ўқув йи-ли ҳам тугалланди. Ўқувчилар-ни синфдан-синфга қўчириш имтиҳонлари ҳам ўтди. Чилон-зор районидаги Абдулла Қоди-рий номи 162-ўрта мактаб-нинг коллективи ўқув йили-ни юқори ўзлаштириш билан яку-лади.

Мажбур 27 та синфнинг ҳам-масида ўқувчиларнинг тўла ўз-лаштирилиши эришилди. Бунда А. Фазилдинов, Н. Файзулов, О. Латипова, А. Хабирова, А. Сиридова, С. Собирова, С. Абдурашидова каби коммунист ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта.

Педагогик коллектива мактаб директори, республикада хиз-мат кўрсатган ўқитувчи, район Совети депутаты И. Асомов раҳбарлик қилади.

Тарбиявий ишларни олиб бо-ришда комсомол ва пионер ташкилотларининг ҳам ҳиссаси катта. Мактабда ўз-ўзига хиз-мат қилиш усули қўлланган. Ўтган ўқув йилида ремонт учун ажратилган 15 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қўллан-ди. Бу йил ҳам тўғрисидаги синф ўқувчилари кучи билан мактаб ремонтдан чиқарила-пти. И. ОБИДХУЖАЕВ.

Пабло НЕРУДА

РАҲМАТ СЎЗИГА ҚАСИДА

Ташаккурни аяллаган сўзга ташаккур. Муз ва бўлатини эритишга қодир бўлгани учун — раҳмат ҳамма РАҲМАТГА. Душманомуз тус олди жаҳон, уммади лабдан лабга оппоқ перо янглиғ майин хайр, гуд баргдай ширин РАҲМАТ. У билан гўлдириб оғизни ёки эшитилар-эшитилмас шашинди, одамга айланди маймун шу тахлит, гўладан эмас, қўнқолашди

нимғира ёрут, ва мумкин эди дарахтлар соясида қўйлаш. РАҲМАТ, сен таблеткасан жирканч хидли ёвузликка, ёрутликсан шафқатсизликнинг қоронғу қасрида.

Эҳтижол, сен гилам ҳам бўлгансан, олмас одамлар ўртасига ёзилган.

Душман қўлигида ҳам жаҳон бўйлаб тарқалди ҳамма РАҲМАТ. РАҲМАТ, телба поези чегарани янги қилиб, граждандлик хйбат этиб дудуқланган ерда ҳам у, олов ва муз юксалган —

тингдор чўққили вулқонда ҳам у,

РАҲМАТЛАР — ҳамма ерда курсига айланади ер. Елғиз бир сўз ерини ювади, яққирайди ликопча ва санчқилар, дастурхондай товоналар текисликлар ҳам.

Раҳмат ҳамма РАҲМАТГА, майли сафар қилсин, қайтиб келсин, учсин, ерга қўйсин. Албатта, раҳмат, сен мажбур эмассан тўдиришга бутун дунени, лекин сенинг майин гулбаринг найло бўлган ерда шухратпарастлик беқотар сўйлоқ тишини, ва, худди тангадай яққирар табассум.

«Мен ерининг марказидан!» Нон ҳам, устидан зар қўйсанг ҳам, айтмайди: «Нон баридан устун».

Э. МУҲАММАД таржималари.

НИМАСИ ҚИЙИН

Қудрат мақтанмайди (дарахт айтиди менга), теранлик ҳам (илдиз айтиди менга),

оқлик ҳам (ун айтиди менга). Дарахт айтиди: «Мен бошқалардан юксак». Илдиз айтиди:

КАФЕДРАДА ЛАБОРАТОРИЯ

Тошкент политехника инсти-тутининг совутич машиналари ва уларни ўрнатиш кафедраси чинакам тадқиқот марказига айланиб қолди. Бу ерда совутич-қайнатич апаратурлари билан боғлиқ жиддий ишлар амалга оширилади.

Назарий bilimларни амали-ёт билан боғлаш мақсидида кафедра хўзурда «проблема-лаборатория» очилди. Бундай лаборатория мамлакатимизда ягонадир.

Лаборатория ташаббуси билан ихтиро сифатида яратилган янги установка синовдан муваффақиятли ўтди. У соати-га беш минг литр сутни қайта ишлаш қўватига эга, янлида 20 минг сўмлик иқтисодий фойда келтиради.

Олимларнинг бу ижодий из-ланиши Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлиги то-монидан қўллаб-қувватланди.

Қ У В Н О Қ Л А Р Д А В Р А С И Д А

Автобус тўхтаган ҳамона кўз ўнгингизда салобатли би-но намоен бўлади. У қурувчи-лар томонидан яқинда фойда-ланишга топширилганини се-зиш қийин эмас. Боғча шу йи-лининг бошлариди ишга туши-рилган. «Вешайрағоч» масси-видидаги Ғафур Ғўлом маҳалла-сига туташ Йўлсод, Янгибод маҳаллаларида истикомат қи-лувчи оилаларнинг 400 га яқин фарзанди бу ерда яйраб ў-смоқда.

Икки қаватли темир-бетон кон-струкцияси асосида бунёд этилган кичкинтойлар дарго-ҳида жажжик ўйиқ-қизиларимиз-нинг яйраб-яйлаб ўсишлари учун зарур бўлган барча шарт-

шаронлар яратилган. Турли-туман ўйиқчоқлар, кўнгилоҳлар майдончалар, чўмилиш хона-лари жажжик болалар ихтиёри-да.

483-болалар боғчаси муди-раси Махфуза Юсупова билан гуруҳларини бир-бир айлана-миз, бу ерда олиб борилаёт-ган таълим-тарбия ишлари билан танишамиз, ота-оналар билан суҳбатлашамиз.

Янгиқадан ортиқ тарбия-чилар кичкинтойлар бошди-парвона, — дейди мудира, уларнинг аксарияти олий ва ўрта маълумотли мутахассис-лардир. Шунинг учун ҳам бо-лалар қисқа вақт ичиди бо-ғча кўнлини қўлишяпти.

Тайёрлов гуруҳасига қатновчи болалар эса ёнинг-чишини ҳам анча ўзлаштириб қолди. Янлида улар ясаган турли хил нарсалар бўйича кўргазма ташкил эдики, «Республика олтин тўйига боғчамиз совга-си» деб номланган кўргазмага болалар қўли билан чизилган турли хил расмлар уй-рўғор бўюмлари, ўйиқчоқлар қўйил-ган.

Гуруҳларда ташкил қилин-ган жонли бурчак айнақса гав-жум. Ранг-баранг тўти, сайро-қи қўшлар, аквариумлар тепа-сидан ҳаётимиз чечаклари бир-аум аришмайди. Муассар Са-лымова, Муаттар Мўхамедова, Ноида Ҳокиммуродова ва бош-

қа тарбиячилар кичкинтойлар-ни табииат ихлосмандлари қи-либ тарбиялаш, парварда ва ўсимликлар дуйёсини сенинг ҳиссини ўйғотишда самарали иш олиб бормоқдалар. Бундан ташқари вақт-вақти билан музейларга, ҳайвонот боғи ҳамда бошқа кўнгилоҳар жойларга уюштирилаётган экс-курсиялар ҳам кичкинтойлар-га хуш ёқяпти.

— Биз, — дейди ўртоқ Юсупова, — кичкинтойларнинг боғчамиз қўйида мириқиб дам олишлари, соғ-саломат ўсишлари учун бундан буён ҳам қўлимиздан келган барча тадбирларни кўраверамиз.

Я. САЛИМОВ.

Реклама

ВА Эълонлар

ТЎЙ БЮРОСИ

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ҚОШИДА 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ АҲОЛНГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИГАН БЮРО ТАШКИЛ ҚИЛДИ

ТУЯ ВА МАРОСИМЛАРДА МАДАНИЙ ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ХОНАНДА, СОЗАНДА, ҚАРНАЙ-СУРНАЧИЛАР ВА БОШҚА САНЪАТКОРЛАР ШУ ХУНДАН БОШЛАБ ТУЯ МАРОСИМЛА-РИГА АНА ШУ БЮРО ОРҚАЛИ УНИНГ МАХСУС ГУВОҲНОМАСИ БИЛАН ЮБРАЛДИЛАР.

Мақалла қомитетлари, кишлоқ советлари, тўя комиссияси бошлиқлари Бюро гувоҳномаси бўлмаган санъаткорларни маданий хизмат қилишдан четлатиш ҳуқуқи берилади. БЮРО адреси: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй. Телефон: 33-45-26.

Биринчи ПРОГРАММА. 12.00—

МОСКВА. 18.00— ТОШКЕНТ. 18.10 — Музыфильм. 18.40 — Концерт. 19.10 — Идеология ва ҳаёт. 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Олинган мажбуриятлар илдан. 20.25 — Ҳа-лиқт музика. 20.35 — «Ахборот». 20.55 — Олмага савҳат. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Ғалла. 22.50 — «Бадий фильм». ИККИНЧИ ПРО-ГРАММА. 11.00—ТОШКЕНТ. 11.25 — Қилич ва қалқон (бадий филь-мининг 3-серияси). 18.10 — МОС-КВА. 18.15 — Телефильм. 18.45 — Фан кишлоқ хўжалигига. 17.15 — Рус тили. 18.00 — Москва ва мос-киликлар. 18.30 — Турт танкич ва ит (бадий фильмнинг 5-се-рияси). 19.20 — Янгиликлар. 19.30

— Концерт. 19.45 — Эфирда «Мо-лодость». 20.45 — Леонардо до Винчи ҳаёти (бадий фильмнинг 5-серияси). 22.00 — «Ешлиз» сту-дияси кўрсатади (Тошкент). 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАМ-МА. 19.00— Тошкент лигиликлари. 19.15— Зимародов (бадий фильм). 20.35 — Белгиланчи фил-вахтасида. 20.55 — Хулжати пи-но оқрани.

Октябрь район райишче-торги маъмурияти райиш-чегорч ходим

Абдусамат ВАХОБОВНИНГ

Фондани вафот этганлигини ҳуқуқ қайғу билан билдиради ва унинг оила аъзолари-га ҳамда қариношларига таъзия нэхор этади.



Суратларда: (чапдан) боғча мудираси М. Юсупова тарбиячилар билан, (ўртада) тушқи овқат пайти, боғчанинг ташқи кўрғиниши. Автор фотолари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача